

**Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандий ва унинг
«Хотиралар» асари
Мирзоев Х (СамДУ магистранти)**

Аннотатсия

Мақолада Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди. Шу жумладан унинг «Хотиралар» асари ва бу Асарни яратишда муаллиф қадимий эсдаликлар ёзиш анъаналарини давом эттириб, ўзи қатнашган, эшитган ва кўздан кечирган воқеа-ҳодисаларни бадиий баён этган. «Хотиралар»-асарида болалик чоғидан Ҳаётининг охиригача бошидан кечирган ҳикоялар ҳақида фикр юритилган

Самарқанд жаъон илму фан тамаддунининг бешиги саналган. Бу заминда кўплаб шоиру ёзувчилар, алломалар ўтган. Ҳанузгача илм аъли тўғрисида очилмаган зарварақлари беъисоб. Ҳатто, яқин ўтмишда яшаган Ҳамюртларимиз ва уларнинг қолдирган мерослари ўрганилмаган. Шу боисдан уларнинг Ҳаёти ва илмий адабий мерослари Ҳақида дарсликларида маълумотлар мавжуд эмас. Мустақилликка эришгунимизча халқимиз тарихининг бу қора кунлари хусусидаги кўпгина Ҳақиқатлар кўмиб ташланган. Булардан бири ёзувчи, шоир, тарихшунос олим, таржимон, давлат арбоби Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандийдир.

Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандий 1869 йили Қўқоннинг Махмалбоф маъалласида туғилган. Ёзувчи «Хотиралар» деб номланган асарида ота-онаси 1868 йилда Самарқанддан Қўқонга кўчиб борганини ва бир йилдан кейин - 1869 йилда шу шаъарда дунёга келганлигини эслаб ўтади.¹ Асл исми Абдулҳақ бўлган, Қўқонда туғилганлиги сабабли уни «Қўқандбой» атаганлар ва кейинчалик у бу ном билан маълуму машҳур бўлади. Отаси Абдухолиқ Самарқанднинг Ҳунармандларидан бўлган. Мирзо Қўқандбой 5-6 ёшлигида оиласи Қўқондан Самарқандга кўчиб келади ва Қўшнўвуз маъалласида яшайди. Мирзо Қўқандбой аввал мактаб, кейин эса мадрасада таълим олади. У форс, араб, ўзбек, рус, озарбойжон, турк-усмон тилларини мукаммал билган. Кўп тилларда сўзлай олиши сабабли 1893 йилдан бошлаб давлат ва маъмурий идораларда таржимон ва муфаттиш (давлат ходими) бўлиб ишлайди, жадиализм жараёнига қўшилади ва маърифатпарварлик ғояларини тарғиб қилади. Янги усул мактабларининг очилишига катта Ҳисса қўшади ва дарсликларни рус тилидан тожик ва ўзбек тилларига таржима қилади.

1931 йилда Мирзо Қўқандбойни қамокқа оладилар. Икки ойдан кейин гуноҳсизлиги исботланади ва у озод бўлади. Шундан кейин умрининг охиригача ижод билан банд бўлади. Ёзувчи собиқ шўролар сиёсати билан Ҳамнафас бўла олмади ва тарихий Ҳақиқатларни аслича тасвирлади. Шу йўл

¹ Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандий. «Хотиралар» (ёзувчи қўлёзмалари ҳазинасидан). 72-б.

билан босқинчиларнинг асл башараларини ва ёвуз ниятларини катта жасорат билан кўрсатди. Мана шу сабабга кўра Мирзо Қўқандбойнинг асарлари ҳаётлигида чоп этилмади. Ёзувчи шуърат учун, бойлик учун ўзи танлаган йўлдан қайтмади.

У 79 йил умр кўрди ва 60 йиллик ижод маъсули қўлёзма шаклида мерос қолди. Мирзо Қўқандбой 1948 йили умидсизликда, орзулари ушалмай ҳаёт билан видолашди.

Мирзо Қўқандбой Абдухолиқзода Самарқандийдан «Намоз» («Намоз»), «Духтари кўёнiston» («Тоғ қизи») номли романлар, эсдалик асари «Хотирот» («Хотиралар»), «Истаджон» («Истаджон»), «Аз нўғи қамчин хун мечакад» («Қамчин учидан қон томади») номли қиссалари, «Њикоян» («Њикоялар») мажмуи, «Шўриши Диззах» («Жиззах қўзғолони») номли тарихий очерки қўлёзма сифатида мерос қолган. Ёзувчи ҳаётлигида фақат «Намоз» номли романидан бир парча чоп этилган, холос.

Мустақиллигимиз шарофати билан Мирзо Қўқандбойнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш йўли кенг очилди. Бу ишда ёзувчининг невараси Талъат Абдухолиқзода бош-қош бўлди. Унинг сайъ-ҳаракатлари билан ёзувчининг «Тоғ қизи» романи ўзбек ва тожик тилларида чоп этилди. Адиб туғилганлигининг 140 йиллиги муносабати билан 2009 йили тарихий очерки - «Жиззах қўзғолони» ҳамда «Истаджон», «Қамчин учидан қон томади» номли қиссалари бир мажмуада чоп этилди. Бу асарларнинг чоп этилишида СамДУ тилшунос олими Вафо Назаровнинг хизмати салмоқли. У қўлёзмаларни араб ёзувидан кирилл ёзувига ўғирди. Мажмуага филология фанлари доктори, профессор Садри Саъдиев муҳаррирлик қилган.

Адиб ижодида алоҳида ўрин тутадиган эсдаликлар асари - «Хотиралар» чоп этилмаган ҳолатда бизнинг қўлимизда. Асарни яратишда муаллиф қадимий эсдаликлар ёзиш анъаналарини давом эттириб, ўзи қатнашган, эшитган ва кўздан кечирган воқеа-ҳодисаларни бадиий баён этган. Асар ягона сюжетга эга эмас, алоҳида-алоҳида нақлу ҳикоятлардан иборат бўлиб, бу воқеа - ҳодисаларни реал келтиришда қўл келган.

«Хотиралар»-да болалик чоғидан ҳаётининг охиригача бошидан кечирган ҳикоялар ўз аксини топган. Асарнинг қиммати шундаки, ҳар бир ҳодиса-воқеа ҳақидаги ҳикоятларнинг остида унинг ёзилган санаси кўрсатилган. Бу саналар 1891 йилдан 1944 йилгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Маълум бўладигани, адиб бу асарини ҳаётининг 53 йили давомида ёзган.

Асарда адиб ҳаётда кўрган, гувоҳи бўлган Самарқанд, қолаверса Марказий Осиёнинг сиёсий-ижтимоий, адабий-маданий ҳаёти билан боғлиқ воқеа ҳодисалар реал тарзда кўрсатилган. Ёзувчи «Хотиралар» асарида Россия подшоҳлигининг Марказий Осиё халқлари бошига солган кулфатларни моҳирлик билан тасвирлаган. Жумладан, Мирзо Қўқандбой «Муомилаи ҳокимони рус ба аҳолии маҳалли» («Рус ҳокимларининг маҳаллий аҳолига муомилалари»), «Як воқеа дар Намангон» («Намангандаги бир воқеа»), «Ҳамин гуна воқеа дар Самарқанд» («Шунга

ўхшаш воқеа Самарқандда»), «Дурўягии ӯокимони Россияи подшоҳи» («Рус подшоҳлиги ӯокимларининг иккиюзламачилиги»), «Муллокуши дар Самарқанд» («Самарқандда муллонинг ўлдирилиши»), «Воқеаҳои Самарқандро истило кардани русон» («Русларнинг Самарқандни истило қилиш воқеалари»), «Судҳои даврани подшоҳи» («Подшоҳлик давридаги судлар») каби хотираларида русларнинг айб-иллатлари, зўравонликлари ва қатлу ғоратларини қаттиқ танқид остига олган. Мисол тариқасида «Рус ӯокимларининг маҳаллий аҳолига муомилалари» воқеий хотиротидан бир парча келтирамиз: «Аҳолии маҳалли ба назари ӯукумати Россияи подшоҳи ба мисли халқи бегона буд. Вайро золимона нобуд мекард ва бо ин заминро тоза мекард, то ки муҳољирони русро оварда шинонад...»¹ (Мазмуни: Русия подшоҳлиги ӯукуматининг назарида маҳаллий аҳоли бегона халққа ўхшарди. Уларни золимларча нобуд қиларди ва бу билан ерни тозаларди, то ки рус муҳожирларини олиб келсин).

Бундан ташқари «Хотиралар» асарида Самарқанд шаҳри ва унинг аҳолиси тўғрисида муҳим илмий аҳамиятга эга маълумотлар ҳам келтирилган. Самарқанднинг етти дарвозаси, Регистони, бир юзу ўнта гузари ҳақида таърихий, географик, маданиятига доир муҳим маълумотлар, фактлар келтирилади. Масалан, «Самарқанд шаҳри русларнинг келиши ва шаҳарни истило қилишидан олдин икки қисмдан иборат бўлган: бири Шаҳри Дарун (Ичкари Шаҳр), бошқаси Шаҳри Берун (Ташқари Шаҳр). Шаҳри Дарун (Ичкари Шаҳр) 18 гузар ва масжиддан иборат бўлиб, ӯудуди шудир... Шаҳри Берун (Ташқари Шаҳр) 110 гузар ва 7 дарвозадан иборат бўлган: Арк, Пойқабоқ, Шоҳи Зинда, Қаландархона, Сўзангарон, Хўжа Аҳрор, Бухоро»².

Ёзувчи Самарқанднинг кўпгина гузар ва маҳаллалари ҳақида маълумот берадики, бу гузар, маҳаллаларнинг айримлари ӯозир ҳам шундай номланади.

Асарда шингил латифа-мутоибалар ҳам келтирилганки, уларни ўқиш жараёнида ўқувчини янада ўзига тортади ва бадиий завқини оширади.

«Хотиралар» асари Мирзо Қўқандбой таржимаи ӯолини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Асарда адибнинг Садриддин Айний, Маъмудхўжа Беъбудий, Абдулкарим Сипандий билан учрашувлари, суьбатлари, хотиралари алоҳида аҳамиятга эга.

Мирзо Қўқандбой Абдуҳоликзода Самарқандий Марказий Осиёнинг XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи ярми илму маърифатида ёрқин из қолдирган десак, хато қилмаган бўламиз. У Абдулла Қодирий, Маъмудхўжа Беъбудий, Садриддин Айний билан бир вақтда камол топди, улар қаторида маърифатпарварлик жараёнига қўшилиб, унинг ғояларини тарғиб қилди. Янги мактаблар очилиши, таълим соҳасида ислоҳотлар қилинишида ўзининг ҳиссасини қўшди. Кейинчалик бадиий адабиёт майдонига кириб, асарлари билан турли янги жанрлар тақомилига ҳисса қўшди. Жумладан,

¹. Мирзо Қўқандбой Абдуҳоликзода Самарқандий. «Хотиралар» (ёзувчи қўлёзмалари ҳазинасидан). 12-13-б.

². Ўша асар, 79-б.

унинг «Хотиралар» асарини XX аср адабиётида эсдалик жанрининг тақомуллашувида, мазкур жанрнинг янгича ёзиш услубларини пайдо бўлишига муҳим омил қилиб кўрсатиш мумкин.

Асарда мамлакатимизнинг 50 йилдан ортиқ сиёсий, ижтимоий, маданий, адабий ҳаёти жонли ва бадиий тарзда ўз аксини топган. Бундан маълум бўладики, мазкур асар ватанимиз тарихини ўрганишимиз учун муҳим ва нодир манба саналади. «Хотиралар» бугунги авлодни ўтмишга назар солиб, келажакка тўғри йўл танлай билиш руҳида тарбиялайди. Демак, бу ноёб дурдонани ўқишимиз, ўрганишимиз ва унинг ижодкорини буюк бобокалонларимиз қаторида таниб, эъзозлашимиз лозимдир.

Адабиёт:

1. Ботурхон Хилъатпури Валихожа. Мирзо Қўқандбой кист? Рўзномаи «Овози Самарқанд» 13 ва 18- августи соли 2004, шумораҳои 61-63.
2. Мирзо Қўқандбой Абдуҳолиқзодаи Самарқандӣ. Духтари Қўһистон. Нашриёти «Зарафшон», Самарқанд-2006.
3. Мирзо Қўқандбой Абдуҳолиқзодаи Самарқандӣ. Мажмӯаи асарҳо. Шӯриши Диззах., Истаджон., Аз нӯги қамчин хун мечакад. Нашриёти «Сангзор», 2009.
4. Мирзо Қўқандбой Абдуҳолиқзода Самарқандӣ. «Хотиралар», кўлёзма шаклида:(ёзувчи кўлёзмалари ҳазинасидан).
5. Муҳаммадҷон Шақурии Бухороӣ. Нигоҳе ба адабиёти тоҷикии садаи бист. –Душанбе, 2006.
6. Худойберди Асозода. Адабиёти тоҷик дар садаи XX. (жилди сеюм). –Душанбе: Маориф, 1999.
7. Ш. Хусейнзода. Бахс ва андеша. –Душанбе: Ирфон, 1964

**Мирзоев Хайём - филология ва тилларни ўқитиш
факултетининг иккинчи босқич магистранти.**